

**Тошев Мухриддин Журабоевич,**  
Ориентал университети "Узлуксиз таълим  
педагогикаси" кафедраси доценти

## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЛОЙИҲА АСОСИДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

УЎК: 378.014.14

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL\\_2025\\_ISSUE\\_11\\_6](https://doi.org/10.34920/so/vol_2025_issue_11_6)

---

### **ТОШЕВ М.Ж. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЛОЙИҲА АСОСИДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ**

Мазкур мақолада олий таълим тизимида лойиҳа асосида ўқитиш технологияларининг ўрни ва аҳамияти назарий ҳамда амалий жиҳатдан ёритилган. Лойиҳа асосида ўқитиш (Project-Based Learning — PBL) таълим жараёнини фаоллаштирувчи, талабани мустақил изланишга, ижодий фикрлашга ва амалий ечим топишга йўналтирувчи инновацион педагогик ёндашув сифатида тавсифланади. Тадқиқотда PBL технологиясининг педагогик ва психологик асослари, унинг таълим жараёнида талабалар шахсини фаол субъект сифатида шакллантиришдаги ўрни, ҳамкорлик, мулоқот ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришдаги имкониятлари таҳлил этилган. Шунингдек, маҳаллий ва халқаро тадқиқотлар тажрибаси асосида лойиҳа асосида ўқитишнинг таълимдаги самарадорлиги ва компетенциявий ёндашув билан уйғунлиги асослаб берилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: олий таълим, лойиҳа асосида ўқитиш, PBL технологияси, педагогик инновация, ижодий фикрлаш, мустақил таълим, компетенциявий ёндашув.

---

### **ТОШЕВ М.Ж. РОЛЬ ТЕХНОЛОГИЙ ПРОЕКТНОГО ОБУЧЕНИЯ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ**

В данной научной работе раскрываются теоретические и практические аспекты внедрения технологий проектного обучения (Project-Based Learning — PBL) в систему высшего образования. Проектное обучение рассматривается как инновационный педагогический подход, направленный на активизацию учебного процесса, развитие самостоятельного и творческого мышления студентов, формирование у них навыков решения практических задач. В исследовании анализируются педагогические и психологические основы PBL, его роль в формировании личности обучающегося как активного субъекта учебной деятельности, а также возможности развития сотрудничества, коммуникации и критического мышления. На основе отечественного и зарубежного опыта обоснована эффективность проектного подхода и его соответствие компетентностной модели современного образования.

Ключевые слова и понятия: высшее образование, обучение на основе проектов, PBL, педагогические инновации, самостоятельное обучение, творческое мышление, компетентностный подход.

## TOSHEV M.J. THE ROLE OF PROJECT-BASED LEARNING TECHNOLOGIES IN HIGHER EDUCATION

This research explores the theoretical and practical foundations of project-based learning (PBL) technologies in higher education. PBL is defined as an innovative pedagogical approach that transforms students from passive recipients of knowledge into active participants, encouraging independent inquiry, creative thinking, and problem-solving through real-world applications. The study analyzes the pedagogical and psychological principles of PBL, its role in shaping students as active learners, and its contribution to the development of collaboration, communication, and critical thinking skills. Based on both international and local studies, the research substantiates the effectiveness of PBL as a method consistent with the competency-based approach in modern education.

Keywords and concepts: higher education, project-based learning, PBL, pedagogical innovation, independent learning, creative thinking, competency-based approach.

**Ишнинг долзарблиги.** Олий таълим тизимида замонавий педагогик технологияларни жорий этиш жадал ривожланиб бораётган глобал таълим тенденцияларининг ажралмас қисмига айланди. Шу нуқтаи назардан, лойиҳа асосида ўқитиш технологиялари (Project-based learning — PBL) талаба шахсини фаол ижодкор, мустақил фикрловчи ва амалиётга йўналтирилган мутахассис сифатида шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда олий таълим муассасалари олдидаги асосий вазифа — талабаларда муаммоли вазиятни таҳлил қилиш, инновацион ечимлар таклиф этиш, гуруҳда самарали ишлаш, мулоқот ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришдир. Бу вазифаларни амалга оширишда анъанавий маъруза ва семинарлар билан чекланиб бўлмайди. Шу боисдан, лойиҳа асосида ўқитиш технологияси таълим жараёнида амалий фаолиятни, ижодкорликни ва тадқиқотчилик қобилиятларини ривожлантирадиган самарали усул сифатида долзарб аҳамият касб этади.

**Мавзу бўйича илмий манбаларнинг қисқача таҳлили.** Олий таълим тизимида лойиҳа асосида ўқитиш технологияларини жорий этиш масаласи сўнгги йилларда жаҳон педагогикасида кенг муҳокама қилинмоқда. Бу йўналишдаги илмий изланишлар таълим сифатини ошириш, талабаларда мустақил фикрлаш ва ижодий фаолиятни шакллантиришнинг самарали йўллари излашга қаратилган.

АҚШ ва Европа олимларининг тадқиқотларига кўра, лойиҳа асосида ўқитиш (Project-Based Learning PBL) модели талабаларни билимни пассив қабул қилувчи эмас,

балки муаммони амалий ечувчи, тадқиқотчи ва амалий ижрочи сифатида тайёрлашда муҳим ўрин эгаллайди. Тадқиқотчи олим Б.Кондлиф ўзининг "Project-Based Learning: A Literature Review" асарида PBL технологиясининг асосий назарий тамойилларини ёритиб, унинг ўқув мотивацияси, ижтимоий мулоқот ва амалиёт билан боғлиқ билимларни мустаҳкамлашдаги ролини асослаб берган [1]. У.Хунг ва унинг жамоаси олий таълим шароитида PBLнинг самарадорлиги ҳақидаги мулоҳазаларида бу технологиянинг академик натижалар, танқидий фикрлаш ва коммуникация кўникмаларига ижобий таъсирини аниқлаган [4]. Муаллифларнинг таъкидлашича, олий таълимда лойиҳа асосида ўқитиш усули анъанавий маърузаларнинг ўрнини тўлиқ босмайди, балки уларни интерактив ва муаммоли ёндашув орқали тўлдиради. Шу билан бирга, PBLнинг мазмунини танлашда реал ҳаётий муаммоларга асосланиш муҳим ҳисобланади. Л.Хоугнинг ёзишича, лойиҳалар мазмуни талабаларнинг келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаса, таълимдаги фаоллик самарасиз бўлиб қолиши мумкин [3]. Шу нуқтаи назардан, олий таълимдаги ҳар бир лойиҳа фан соҳасига ва бозор эҳтиёжларига мос равишда тузилиши лозим. Шунингдек, АҚШ нинг Пердю университети олимлари олиб борган тадқиқотларда PBLни амалга оширишда устозларнинг позицияси муҳим экани таъкидланган. Улар таълим жараёнида ўқитувчи фаол раҳбар эмас, балки йўлбошчи ва фасилитатор ролини бажариши лозимлигини таъкидлайдилар [6]. Бу, айниқса, олий таълимда мутахассислик фанларини ўқитишда талабанинг мустақил изланиш қобилиятини

ривожлантиради. Шу билан бирга, SAGE нашрида чоп этилган тадқиқотларда PBL усулининг самарадорлигини кўплаб эмпирик тадқиқотлар таҳлили орқали асослаб берилган. Муаллифлар лойиҳа асосида ўқитиш талабаларда юқори мотивация, масъулият ҳисси ва жамоавий ҳамкорликни ривожлантиришини аниқлаганлар [6].

Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда ушбу таълим технологиясига қизиқиш ортиб бормоқда. Масалан, Н.А.Муслимов бу усулнинг миллий таълим тизимидаги аҳамиятини таҳлил қилган ва унинг педагогик жараёни фаоллаштирувчи, компетенциявий ёндашувни таъминловчи механизм эканлигини таъкидлаган [10]. Шунингдек, Х.Жураева фанларни ўқитишда лойиҳа асосида ўқитиш технологиясининг ролини юқори баҳолаб, унинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида ўқув жараёнида мустақил фикрлаш ва ижодий ечим топиш кўникмалари кучайишини аниқлаган [9].

Умуман олганда, халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, олий таълимда лойиҳа асосида ўқитиш технологиялари анъанавий таълимни инкор қилувчи эмас, балки уни янги сифат босқичига кўтарувчи инновацион усул сифатида қаралиши керак. Бу усул таълимнинг компетенциявий йўналишини таъминлаб, талабаларда фақат назарий эмас, балки амалий кўникмаларни ҳам шакллантиришга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим жараёнида лойиҳа асосида ўқитиш технологияларининг ўрни ва аҳамиятини илмий асосда таҳлил қилишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- лойиҳа асосида ўқитиш технологиясининг педагогик ва психологик моҳиятини назарий жиҳатдан ёритиш;

- олий таълим тизимида инновацион ўқитиш технологияларининг умумий тамойиллари ва функцияларини таҳлил қилиш;

- лойиҳа асосида ўқитиш орқали талабаларда ижодкорлик, мустақил фикрлаш ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш механизмларини аниқлаш.

**Тадқиқот усуллари:** кузатиш, талабаларнинг PBL ҳақидаги муносабати, мотивация даражасини аниқлаш юзасидан сўровнома,

математик статистик методлар: Манн Уитни мезони.

**Тадқиқот объекти** – бу Ориентал университети “Педагогика ва психология” таълим йўналиши иккинчи босқич талабалари. Умумий синалувчилар сони 100 кишини ташкил этади.

**Тадқиқот предмети** - олий таълим жараёнида лойиҳа асосида ўқитиш технологияларининг педагогик имкониятлари, тамойиллари ва уларнинг талабалар шахсий ривожланишига таъсири.

Тадқиқот натижалари ва асосий мазмуни.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади Олий таълим жараёнида лойиҳа асосида ўқитиш технологияларини қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш, унинг талабаларда фаол билиш, ижодий фикрлаш ва жамоавий ишлаш кўникмаларига таъсирини эмпирик равишда баҳолаш.

Тадқиқотда 2 та гуруҳ иштирок этди:

- экспериментал гуруҳ 50 нафар 2-босқич талабалари, уларда умумий педагогика фани лойиҳа асосида ўқитилди.

- назорат гуруҳи 50 нафар 2-босқич талабалари, уларда умумий педагогика фани анъанавий усулда ўқитилди.

Тадқиқот уч босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда (1 ҳафта) сўровнома ва дастлабки тестлар ўтказилиб, талабаларнинг лойиҳа асосида ўқитиш технологияси ҳақидаги билим ва муносабат даражаси аниқланди. Иккинчи босқичда (4 ҳафта) лойиҳа асосида ўқитиш амалиёти ташкил этилди. Бу босқичда талабалар гуруҳларда ишлаб, муаммоли лойиҳаларни ечишга киришдилар. Дарсларда қатнашиш фаоллиги ва ижодий фикрлаш кўрсаткичлари ошиб, жамоавий ишлаш ва мулоқот кўникмалари мустаҳкамланди. Қуйида амалий курснинг мазмуни келтирилади (2жадвал).

Учинчи босқичда (1 ҳафта) якуний тест ўтказилди. Натижалар қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (3жадвал).

Натижалардан кўринадики, лойиҳа асосида ўқитиш технологияси экспериментал гуруҳдаги талабалар фаоллиги ва билим ўзлаштириш самарадорлигини сезиларли даражада оширган. Хусусан, “билимни яхшироқ ўзлаштириш” кўрсаткичи 86% ни ташкил этиб, назорат гуруҳига нисбатан 28% юқори эканлиги кузатилган. Дарсларнинг

**1 жадвал. Олий таълим жараёнида лойиҳа асосида ўқитиш технологияларини қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш юзасидан тадқиқот босқичлари**

Босқич	Мазмун	Давомийлиги
I босқич	Сўровнома (бирламчи маълумотлар)	1 ҳафта
II босқич	Лойиҳа асосида ўқитиш жараёнини ташкил этиш (амалий курс)	4 ҳафта
III босқич	Якуний тест ва таҳлил	1 ҳафта

**2 жадвал. Умумий педагогика фани бўйича амалий курс (лойиҳа асосида ўқитиш технологияси бўйича)**

Ҳафта / Мавзу	Лойиҳа фаолияти мазмуни	Кўзда тутилган натижалар (компетенциялар)
1-ҳафта. <i>Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши ва унинг вазифалари</i>	Талабалар “Педагогиканинг жамиятдаги роли” мавзусида кичик лойиҳа ишлаб чиқадилар. Гуруҳда таълим тарихи, илмий мактаблар ва педагогик фикр эволюциясини таҳлил қиладилар.	- Педагогиканинг назарий асосларини англаш. - Илмий фикрни таҳлил қилиш. - Гуруҳда ишлаш кўникмаси.
2-ҳафта. <i>Шахс ва тарбия муаммоси</i>	“Идеал шахс модели” лойиҳаси: ҳар бир гуруҳ ёшлар тарбиясида муҳим бўлган қадриятлар тизимини аниқлаб, тақдимот иши тайёрлайди.	- Тарбия жараёнининг моҳиятини англаш. - Ахлоқий ва ижтимоий қадриятлар ҳақида фикр юритиш. - Ижодий фикрлаш ва дизайн кўникмаси.
3-ҳафта. <i>Педагогик фаолият ва маҳорат</i>	“Замонавий ўқитувчи портрети” мавзусида тадқиқотли лойиҳа: талабалар 3-4 нафар ўқитувчи билан интервью ўтказиб, яхши ўқитувчига хос сифатлар бўйича таҳлил тайёрлайдилар.	- Тадқиқот ўтказиш ва маълумот тўплаш кўникмаси. - Танқидий таҳлил ва хулоса чиқариш. - Коммуникатив компетенция.
4-ҳафта. <i>Таълим жараёнини такомиллаштиришда инновацион технологиялар</i>	“Инновацион таълим лойиҳаси” — ҳар бир гуруҳ янги ўқитиш усули ёки таълимда рақамли восита қўллаш бўйича амалиётга яқин лойиҳа ишлаб чиқади ва ҳимоя қилади.	- Лойиҳа тайёрлаш ва тақдим этиш кўникмаси. - Инновацион фикрлаш. - Мустақил қарор қабул қилиш.

**3 жадвал. Талабаларнинг PBL ҳақидаги муносабати, мотивация даражасини аниқлаш юзасидан сўровнома натижалари таҳлили**

Савол мазмуни	Экспериментал гуруҳ (%)	Назорат гуруҳи (%)
Лойиҳа усули билимни яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради	86	58
Дарслар қизиқарли ўтади	90	61
Жамоавий ишлаш кўникмам ривожланди	88	55
Ижодий фикрлашим ошди	84	53

қизиқарлилиги бўйича ҳам фарқлар кузатилиб, экспериментал гуруҳда 90%, назоратда эса 61% ташкил этган. Бу лойиҳа усули талабаларнинг дарсга бўлган мотивацияси ва қизиқишини кучайтирганини кўрсатади. Шунингдек, жамоавий ишлаш кўникмалари 88% (ЭГ) ва 55% (НГ) даражада бўлиб, ушбу технология талабаларнинг ҳамкорлик ва мулоқот қобилиятларини ривожлантиришда самарали эканини исботлайди. “Ижодий фикрлашим ошди” жавоби ҳам 84% ни ташкил этгани, талабаларнинг мустақил ва янги фикрлаш кўникмалари ортганини кўрсатади. Демак, лойиҳа асосида ўқитиш анъанавий усулларга нисбатан билимни чуқурроқ ўзлаштириш, ижодий фикрлаш ва жамоавий ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда

юқори натижа беради. Навбатдаги жадвалда фан бўйича берилган тест натижаларининг гуруҳлар кесимида қиёсий таҳлили келтирилган. (4жадвал).

Натижалар шундан далолат берадики, экспериментал ва назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқ ишончли даражада аҳамиятли ( $p = 0,001$ ) намоеён бўлмоқда. Экспериментал гуруҳнинг ўртача баллари —  $82,6 \pm 6,3$ , назорат гуруҳида эса  $69,4 \pm 7,2$  бўлиб, бу PBL (лойиҳа асосида ўқитиш) технологияси таълим самарадорлигини оширганини кўрсатади. Юқори ўрта балл ва кичик стандарт оғиш экспериментал гуруҳда натижаларнинг барқарор ва юқори бўлганини англатади. Шунингдек,  $U = 6,129$  ва  $p < 0,01$  қийматлари гуруҳлар ўртасидаги фарқ тасодифий эмаслигини, балки лойиҳа

## 4-жадвал. Фан бўйича тест натижалари кўрсаткичлари (Манн Уитни мезони асосида)

Гуруҳ	Ўрта балл (100 бўйича)	Стандарт оғиш	U	P
Экспериментал	82,6	± 6.3	6,129	0,001**
Назорат	69,4	± 7.2		

асосидаги ўқитиш ҳақиқатан ҳам билим сифатини яхшилашга таъсир этганини исботлайди. Хулоса қилиб айтганда, эмпирик маълумотлар лойиҳа усулининг олий таълимда билимни чуқур ўзлаштириш ва мустақил фикрлаш кўникмасини ривожлантиришда самарали эканини тасдиқлайди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб қуйидаги **хулосалар** шакллантирилди:

1. Эмпирик тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, олий таълимда лойиҳа асосида ўқитиш технологиялари талабаларнинг билиш мотивацияси, ижодий фикрлаш ва мустақил изланиш қобилиятини юқори даражада ривожлантиради. Бу усул анъанавий таълимни тўлдирувчи эмас, балки инновацион ва компетенциявий таълим моделининг асосий йўналиши сифатида ўзини оқлайди.

2. Лойиҳа усулининг таълимдаги анъанавий ёндашувларга нисбатан устунлигини, яъни

талабаларни фаол субъект сифатида шакллантириш, мустақил изланишга рағбатлантириш ва амалий фикр юритиш қобилиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканини тасдиқлайди. Шу билан, лойиҳа асосида ўқитиш технологиялари олий таълим тизимида инновацион, интерфаол ва компетенциявий таълим моделини амалга оширишнинг самарали воситаси сифатида тавсия этилади.

Юқоридаги хулосаларга асосланиб, қуйидаги **таклифларни** илгари сурилмоқда:

1. Ўқитувчилар учун “Лойиҳа асосида ўқитишни ташкил этиш” бўйича қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш;

2. Талабалар ишини баҳолашда жамоавий фаоллик ва ижодкорликни инobatга олувчи мезонлар ишлаб чиқиш;

3. Онлайн платформа ва рақамли воситалар (Canva, Google Classroom, Moodle) орқали лойиҳа фаолиятини фаоллаштириш.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Condliffe B., Quint J., Visher M. et al. Project-Based Learning: A Literature Review. — New York: MDRC, 2017. — 72 p.
2. Du J. The application of project-based learning based on problem awareness in primary school mathematics classroom. — Beijing, 2022. P. 2-4.
3. Hough L. Project-Based Learning is Great, But Students Still Need to Learn Something // Harvard Graduate School of Education Blog. — 2022. P. 313318.
4. Hung W., Jonassen D., Liu R. A review of project-based learning in higher education: Student outcomes and moderating variables // Educational Research Review. — 2019. — Vol. 26. — P. 71–89.
5. Purdue University. Redefining Teaching & Learning in Higher Education Through PBL // Int. J. of Project & Based Learning. — Vol. 8, Iss. 2. — 2021. P. 5155.
6. SAGE Publications. The Effectiveness of the Project-Based Learning Approach as Measured by Student Outcomes // Open Education Journal. — 2020. P. 110121.
7. SpringerOpen. The key characteristics of project-based learning: how teachers implement them within science education // Discover Education. — 2021. — P. 6469.
8. University of Dayton. Project-Based Learning in Higher Education // Online Learning Blog. — Dayton, 2023. P. 15-21.
9. Жўраева Х. Лойиҳавий ёндашув асосида “Одам ва унинг саломатлиги” курсини масофавий ўқитиш жараёни самарали ташкил этиш усуллари // Интернаука. — 2021. — №. 22-4. — Б. 94-95.
10. Муслимов Н. А. и др. Инновацион таълим технологиялари // Ўқув-методик қўлланма. Тошкент. — 2015. — Т. 208 б.